

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Султанов Азиз Абралович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси тадқиқотчиси*

Аннотация. Мақолада жамоат жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган ҳамда соҳани ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий асослари.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ. Мамлакатимизда кейинги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “Қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда [2]. Хусусан, соҳани ҳуқуқий асосларини замон талаблари асосида яратиш орқали, фаолиятга замонавий иш усулларини жорий этиш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Бу борада ҳуқуқшунос олим С.С. Шариповнинг «Ички ишлар органлари соҳасида сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, ушбу жараёнда жамоат тартиби сақлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда» деган фикрига қўшилишимиз мумкин [11, 20-б].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш учун аввало, ушбу йўналишдаги асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англаб олишимиз зарур ҳисобланади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда, “ҳуқуқий асос – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида (шаклда) ижтимоий муҳим натижаларни таъминлаш мақсадида барқарор динамик алоқада бўлган ҳужжатлар тизимидир” [9], “ҳуқуқий тартибга солиш бу – ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни белгилаш, уларни қонун устуворлиги асосида ҳимоя қилиш, бузилган нормаларни тиклаш мақсадида ҳуқуқий чораларни қўллашда ифодаланади” [10, 253-б.] деган таърифлар келтирилган.

Бундан ташқари айрим тадқиқотчи ва олимлар, “ҳуқуқий асосларнинг мақсади – жамият ҳаётидаги ҳуқуқнинг аҳамиятини ва долзарб эҳтиёжларини акс

этиради ҳамда уни давлат ҳуқуқий сиёсатининг асоси бўлган асл кадриятларга йўналтиради” [6, 96-б.], “фаолиятни самарали амалга оширишнинг асосий белгиларидан бири унинг мақсади, вазифалари ва функцияларини ҳуқуқий тартибга солинишидир” [7, 101-б.], маъмурий-ҳуқуқий нормалар – бошқарув субъекти ва объектининг ҳуқуқий ҳолати ҳамда функцияларини мустаҳкамлайди, жамият бошқарув тизимининг ҳар бир иштирокчисининг масъулиятини оширади [8; 14-б]. деган эътирофлар келтирилган.

Кейинги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларининг таҳлили, ушбу жараёнда фаолиятни замон талаблари асосида ҳуқуқий таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда. Яъни, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга оид қабул қилинган бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқки, унда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмаган бўлса.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (2021 йил 20 апрель) Қонунига мувофиқ [4], Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Айрим тадқиқотларда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, мазмунига кўра, икки гуруҳга: а) фуқароларнинг ҳуқ-атвори, ҳуқуқ ва эркинликларини, маълум ҳаракатларни амалга оширишда ўрнатилган тақиқлар ва уларни бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормаларни ўз ичига олган тартибга солувчи; б) жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функциялари, фаолиятининг шакл ва усулларини кўрсатувчи нормаларни ўз ичига олган белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратган ҳолда ўрганилган. Бунда, фаолиятни тартибга солувчи биринчи гуруҳга мансуб ҳуқуқий асослар, асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ўзида жамлаган бўлса, иккинчи гуруҳ ҳужжатлар ўз ичига Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олган [7; 102-б].

Назаримизда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучи, уни қабул қилувчи

субъектлар ва уларнинг ваколат доирасига қараб шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ: биринчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари ва қонунлари; иккинчи гуруҳ – Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; учинчи гуруҳ – ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Конституциянинг барча нормаларидаги қоидалар демократик жамиятдаги ижтимоий муносабатларни адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи ҳисобланади. Мамлакатда, унинг маъмурий ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча қоидалари, хусусан фуқаро, давлат ва жамият манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги жиноий, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузлардан ҳимоя қилиш талабларини ўзида мужассамлаштирган нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, Конституциямизнинг 13-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Уларни таъминлаш эса, бошқа давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари қатори жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг ҳам асосий вазифасидир. Конституциянинг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиши мумкинлигининг кафолатлангани жамоат хавфсизлигини таъминловчи бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил қилишга асос яратиб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши соҳа фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг ўзга хос янги босқични бошлаб берди десак муболаға бўлмайди.

Бу борада Президентимизнинг касб байрами муносабати билан ички ишлар органларининг ходимлари ҳамда фахрийларига йўлланган байрам табрикларида, **Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияларга** асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизмлари ва вазифалари белгилаб берилганлиги, шу билан бирга, вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва

воситаларни самарали бошқариш имкониятининг яратилганлигини айтиб ўтдилар [3].

Кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг мавжуд кучларни уюштириш, фаолиятини самарали ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш соҳасида муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатлар асосида соҳада мавжуд бўлган бир қатор ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳал қилинди. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлашдан қандай миллий манфаатлар борлиги, давлатнинг бу борадаги сиёсатининг асосий йўналишлари айнан нималардан иборат эканлиги ёки бўлмасам, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизими, уни таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектларнинг аниқ ваколатлари, уларнинг биргаликда ишлаш механизмлари ҳамда фаолиятини баҳолаш тартибига самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этиш каби муҳим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди [5].

Бундан ташқари ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳисобланган қонунлар ушбу фаолиятни бевосита тартибга солишга хизмат қилмасдан, балки бу борадаги айрим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмоқда. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида эса мазкур фаолиятнинг умумий қоидалари, асосий йўналишлари ва вазифалари ҳамда субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Фаолиятни таъминлашнинг аксарият механизмлари эса ички идоравий ҳужжатлари билан белгиланган, холос.

Стратегияда, жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш яъни, ушбу соҳага масъул бўлган ваколатли органларнинг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжат нормаларини ва қоидаларини бирлаштириш вазифаси орқали ушбу муаммони ҳал қилиш белгиланган.

Бундан ташқари, транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаларининг белгиланганлиги, жамоат тартибини

сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бирок, юқорида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти доирасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормалар ўртасидаги узилишлар ҳамда ўзаро зиддиятларга сабаб бўлаётган айрим омилларни ҳам кузатиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур” [1]. Давлат раҳбарининг келтирилган мазкур фикрлари бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни мунтазам ўрганиш, таҳлил ва мониторинг қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида: а) соҳадаги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, жумладан, ички идоравий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини ўрганиш ва текшириш; б) Конституциямиз норма ва қоидаларининг қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланишини кузатиш; в) қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлигини кузатиш ҳамда ўрганиш; г) соҳага доир қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси амалда қай даражада таъминланаётгани, ҳаётга татбиқ қилинаётгани ҳамда жамиятга нафи тегаётганини ўрганиш; д) амалдаги айрим қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси таъминланмай, фақат қоғозда қолиб кетишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш орқали уларни такомиллаштириш чораларини кўришга имкон беради.

Иқтибослар/Синоска/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 592.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан соҳа ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан // [Электрон манба]. – URL: <https://bugun.uz>

uz/2021/10/24/shavkat-mirziyoev-ichki-ishlar-organi-xodimlari-va-faxriylariga-tabrik-yolladi.

3. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади. // <https://president.uz/uz/lists/view/5641>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон).

6. Малько А.В., Шундиков К.В. Цели и средства в праве и правовой политике: Монография. – Саратовская государственная академия права. – 2003–С. 96.

7. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 101.

8. Четвериков В.С. Административное право. Серия «Высшее образование». – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 14.

9. Попандопуло А.Н. Юридическое содержание категории «правовые основы» // [Электрон манба]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yuridicheskoe-soderzhanie-kategorii-pravovye-osnovy/viewer>.

10. Добров А.Н., Культемирова Л.Т. Правовое регулирование участия граждан в охране общественного порядка: опыт России и Казахстана // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. – 2021. – № 4. – С. 253.

11. Sharipov Sanjar Sobirovich. Improving the management of the activities of the internal affairs for the protection of public order with the use of geoinformation technologies. Journal of Law Research. 2022, vol. 7, issue 3, pp. 18-26